



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2000 йил 4 август, жума № 111 (943)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ФЕРМЕР БОЙИСА, ЭЛ БОЙИДИ

Фермерлик ҳаракати юртимизда эндигина бошланган кезлар эди. Баҳодир ака обдон ўйлади, етти ўлчаб бир кесди, ниҳоят фермер хўжалиги очилган ҳазм этди. Шунда, ҳар қим ҳар хил фикр айтди.

Авалгига қийинчиликлар кўп бўлишини Баҳодир ака яхши биларди. Лекин энди эскичасига, «қозон бир, толганимиз ўртада» деб ишлаш даври ўтганини ҳам аллақачон тушуниб етган эди. Бозор талабларига бундай «шерикчилик» ёт эди. Бунга у пайтларда баъзилар ўқинчи бир жараён, деб ўйларди.

Инсон бийдай чўлини ўзлаштириб уруғ ундирди, ризиким шу заминда, дедими бу ёғма ҳам бардоши етади. Ерга қараса ер бўлади, хаёлидан ўтказди у. Шунда йиғирма беш йиллар муқаддам Тошкентдан Меҳнатободга келган даврини хотирлади. У пайтда идора ҳам вагон-уйчада эди, ётоқ ҳам. Ёз кунлари одамни ёндирар, киш чилласи дилдиратар эди. Бир сўз билан айтганда синов майдони эди чўл.

Сабр таги олтин, деганлари ҳақ экан. Баҳодир ака мулк эгаси бўлди. Йил сайин экин майдонини кенгайтира борди. Бошлангичда кўп қийналди, етишмовчиликлар бўлди, аммо ахдидан қайтмади. Шу ер мекини, деди. Ерни боқди, у ҳам шунга яраша ризикини берди. Даромадига даромад қўшилди. Юк машинаси, трактор, комбайн, «Нексия» сотиб олди. «Мирсоат» фермер хўжалиги номи вилоятга таралди. Йилларда илқ гаплар айтилгандан бўлди. «Баҳодир ака, сиздан ишласам», дейдиганлар кўпайди.

Албатта ҳамма ҳам фермер бўлавермади. Ва бу вазиға ҳар бир одамнинг қўлидан келавермади. Бунга ҳам лаёқат керак. Лекин унинг ҳамма учун бирдек ибратли жиҳати бор. У ҳам бўлса шундаки, мулкчиликнинг хусусий шакли кишини тежамкорликка, оз харажат кетказиб кўп ҳосил олишни ўргатади. Урганиш эса изланиш, меҳнатни оқилона ташкил этиш демакдир.

Масалан, «Мирсоат» фермер хўжалигида ишчию ҳисобчи бўлиб жами қирқ икки нафар одам бор. Хўжаликнинг ер майдони эса 202 гектар. Бултур 100 гектар майдонда пахта етиштирилиб 3 миллион сўм соф фойда олинди.

Таққослаш учун бир мисол. Бирон хўжалик ёки уюшма 700-800 гектар ерда гўза ўстириб пахтадан 2,5-3 миллион сўм соф фойда олса илгор деб макталади. Ибрат қилиб кўрсатилади. Аммо далада қанча деҳқон ишлади, қанча харажат кетди, кўпда айтилмайди. Мана хусусий мулк афзаллиги! Демак, чўлда ҳам деҳқончиликни ривожлантиришга имкон бор экан.

Яна бир мисол. Фермер хўжалигида бу йил 98 гектар жойда галла парваришланди. Ҳосил қисқа муддатда саранжомлаб олинди. Ҳамма гап шундаки, ҳосил фақат битта комбайнда, яъни фермернинг хусусий техникасида

йиғиштирилди. Комбайн яхши таъмирлангани туфайли мавсумда панд бермади. Шу боис МТП, бошқа ташкилотларга ортиқча пул сарflanмади. Давлат буюртмаси 160 тонна эди, 184 тонна дон топирилди. Юз тоннача бугдой фермер хўжалиги ихтиёрида қолди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда галлачиликнинг



Бир фармон шарофати

Унга кўра, нархлар эркинлаштирилаётган шароитда республика фуқароларининг ижтимоий муҳофазасини кўчайтириш, аҳоли даромадларининг оширилишини таъминлаш мақсадида юқорида кўрсатилган муддатдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юрталари талабаларининг, ўрта махсус ва хунар-техника ўқув юрталари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилди. Бу республика ҳукумати, Президентимиз меҳрибонлигининг яна бир ёрқин намунасидир.

Ҳа, бозор шароитида асосий эътибор ҳеч қимни оғир аҳволда ва муҳтожликда қолдирмасликка қаратилган, кам таъминланган оилалар ўзини тиклаб олиш учун давлат зарур ёрдамини кўрсатиб келяпти. Бунга мисол тариқасида Президентимизнинг ўнлаб ҳаётбахш фармонларини келтириш мумкин.

Бўжа туманида 100 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Улардан ижтимоий ҳимояга муҳтож, деб топилганлари, 16 ёшгача бўлган болалар, ёлғиз қариялар, икки ёшгача кичкинтойларни тарбиялаётган оналар учун жорий йилда

173 миллион сўм нафақа тўлаш кўзда тутилган. Уттан ярим йилда ушбу мақсадлар учун 85 миллион 361 минг сўм сарфланди. Бугунги кунда ёлғиз, кўмакка муҳтож қариялар рўйхатида 78 нафар киши бор. Улар учун ярим йилда 1 миллион 200 минг сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ 9 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш

лари бор оилаларга 38 миллион 700 минг сўм маблағ тарқатилди. Уларга июл ойи учун 6 миллион 229 минг сўм давлат маблағи ажратилган бўлса, август ойидан бу рақам 8 миллион 720 минг сўмга кўтарилди. 16 ёшгача бўлган болалар учун эса, июл ойига нисбатан август ойида 5 миллион сўм кўп сарфланди.

Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет ҳисобидан тўланадиган маошларнинг шу йил 1 августдан 1,5 баравар оширилиши тўғрисидаги Фармони Президентнинг шу йил 23 июндаги Фармони шарофати билан ушбу туманда пенсияларнинг бир ойлик миқдори салкам 20 миллион сўмга ортади.

— Хурматли Президентимизга, ҳукуратимизга мингдан минг раҳмат, — дейди меҳнат фахрийси Пардавий Халилов, — 9065 сўм пенсия олаётган эдим. Ушбу Фармон шарофати билан биринчи августдан бошлаб 12691 сўм пенсия оладиган бўлдим. Қариялар, кўмакка муҳтож оилада ижтимоий муҳофазатга олинган оилалар, қаровчиси йўқ кишилар эъзозланган юрт обод бўлади. Чунки кўпнинг дуоси кўл дейдилар.

Темур ХАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

САВДО ЯРМАРКАСИ

«Қашқадарёулгуржибиржасавдо» ҳиссдорлик жамиятида универсал савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада уюшмага қарашли ташкилот ва фирмалар, вилоятдаги йирик саноат корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари иштирок этди. Савдога турли қурилиш материаллари, электр жиҳозлари, мини-технологиялар, машинасозлик, кимё, енгил ва маҳаллий саноат моллари - умумий қиймати 2 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулотлар қўйилди. «Ўзаштаъминот» ҳиссдорлик жамияти ҳаридорларга тавсия этган сув насослари, газ-пайвандлаш ускуналари, кишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмлар фермерларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, «Ўзкимё-полимерсавдо», «Бухороулгуржибиржасавдо» ҳиссдорлик жамиятлари, Қаршидаги «Термопласт» заводнинг маҳсулотлари ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. Шу ернинг ўзиде шартномалар имзоланди. Ишлаб чиқарувчилар билан харидорларнинг бундай мулоқотлари фойдали экани амалда исботланди.

А.ТАЙПАТОВ,
Ўза мухбири.



ҚИЗИЛҚУМ БАҒРИДА САНИТАРИЯ МАРКАЗИ

Қизилқум бағрида жойлашган Томди тумани маркази мустақиллик йилларида кескин ўзгарди. Бу ерда кишлоқ врачлик пункти, мактаб ва бошқа кўплаб иншоотлар қурилиб, ишга туширилди.

Кўни кеча бу ерда яна бир янги бино - туман санитария-эпидемиология назорат маркази фойдаланишга топширилди. Замонавий талаблар даражасида жиҳозланган назорат марказини барпо этиш учун ўтган икки йилда қарийб 60 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Марказда бактериология, паразитология, санитария-гигиена таҳлилхоналари, эпидемиология, дезинфекция, санитария-гигиена бўлими фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, туман аҳолисида санитария хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 10 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олинди. Бу эса вилоят марказидан 300-400 чакирим масофада жойлашган қоракўчилик хўжаликларига юқумли касалликларни олдини олиш ҳамда тезкор тиббий-санитария-тадбирларини ўтказиш учун қулай имконият яратди.

ЗАМОНАВИЙ ВА ҚУЛАЙ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясига «Осиё тараққиёт банки» томонидан янги техника сотиб олиш учун 70 миллион доллар кредит ажратилган эди.

Яқинда «Бухоро-1» станцияси йўл-таъмирлаш устaxonасига янги темир йўл техникасидан 10 таси олиб келинди. Бу техникани бухоролик темирйўлчиларга Австриянинг «Пассер ва Тойер» фирмаси етказиб берди. Мазкур техника темирйўллари тозалаб, сифатли таъмирлайди.

ЁШ ИЖОДҚОРЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон мустақиллигининг тўққиз йиллиги арафасида Жиззах шаҳридаги Хамид Олимжон номидаги шоирлар боғида Республика ёш ижодкорларнинг анъанавий тўртинчи анжумани очилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов Жиззахда иш бошлаган ушбу анжуман сўлим Бахмал тоғлари бағрида, Галлаорол боғларида давом этишини таъкидлар экан, бундай учрашув ва мушоиралар ёш ижодкорларнинг истеъдодини янада тўлароқ намойён этишга хизмат қилаётганини айтди.

Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 70 нафардан зиёд истеъдодли ёшларни қутлаб, уларнинг ижодига барака тилади.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Мамлакатимизда мустақилликнинг тўққиз йиллиги нишонланишига бир ойдан оз вақт қолди. Анъанага айланган байрам томошаси республиканинг бош майдонида бўлиб ўтди. Байрамда давлатимиз Қуролли Кучлари вакиллари ҳам фаол иштирок этади. Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билан юртида байрам дастури «ҳарбий блок»нинг кўриги бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулод-

да ҳолатлар вазирлиги, Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси хизматчилари, Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг оркестрлари, Мудофаа вазирлигининг қўшиқ ва ракс ансамбли ҳамда республиканинг етакчи артистлари иштирок этади. Байрам дастурида ҳарбийлар чиқшининг бош саҳналаштирувчи режиссёри майор А.Мадабаевнинг айтишича, айни пайтда байрамга тайёргарлик ишлари авж-жида. Байрам дастурида илк бор мамлакатнинг турли хил қўшинлари хизматчилари иш-

Мустақиллик иншоотлари

Истиқлол йилларида пойтахтимиз Тошкент таниб бўлмас даражада чиroy очди.

Шу кунларда яна бир муҳим объект — Гавҳар ва Қатортол кўчаларини бирлаштирувчи кўприк ва магистрал йўл қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ушбу 8 тасмали, жаҳон андозларига мос йўл қурилишига «Ўзавтойўл» концернининг бирлашган дирекцияси асосий буюртмачи ҳисобланади. Бош пудратчилик масъулиятини эса «Ўзавтойўл» концернининг «Автомагистрал» бирлашмаси ва «Тошйўлқурилиш» трести ўз зиммасига олган.

Биз билан суҳбатда қурилиш штаби бошлиғи, «Ўзавтойўл» концернин бошқаруви раиси ўринбосари Турғунбой Азимбоев шундай деди:

— Йўлсозларимиз кўприкни 4 ой муддатда ичида битказишни мақсад қилганлар. Ваҳоланки, у лойиҳа бўйича тўрт йилда ишга туширилиши режалаштирилган эди. Шу боис қурувчилар кечаю кундуз фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Учунчи навбатда таъмирлаш-таъминот ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда қурилиш ишларига мингта яқин йўл бунёдкорлари жалб қилинган. 300 дан зиёд юк машиналари узлуксиз юк ташиш билан машғул. Шунингдек, қурувчиларга «Тошхажироктранс», «Тошвиллопкортранс»нинг автомобилчилари кўмакка келиб, шағал, асфальт каби қурилиш ашёларини манзилга мунтазам етказиб турибди. «Тошавтойўл» бирлашмасининг йўл қурилиш бўлимлари ҳам ушбу жайрида ишга жалб этилган.

ТУТАШ ЙЎЛЛАР

— Йўл қурилиши ишларида «Ўзавтойўл» концернининг барча вилоят бўлимлари, Республика кўприк қурилиш трестининг Андижон, Гулистон бўлимлари, «Тошйўлқурилиш» трестининг кўприк қурилиш бошқармаси, «Автомагистрал» бирлашмасининг кўприк қурилиш бошқармаси ҳам иштирок этмоқда, — дейди суҳбатни давом эттириб «Тошйўлқурилиш» трестининг бош муҳандиси Равшан Гадейбоев. — Мазкур 8 тасмали магистрал йўлининг узунлиги 3 км 400 метрга, эни 50 метрга тенг бўлиб, 6 та тасма транспорт воситаларининг юқори тезликда тўхтовсиз ҳаракатланишини таъминлайди.

Йўл ўтказкич атрофидаги айланма йўллар узунлиги эса жами 5 км лик масофага ташкил этади. Қурилишнинг бу қисми ниҳосига етиш арафасида. Уни «Тошйўлқурилиш» трести бунёдкорлари бажармоқдалар.

«Ўзавтойўл» концернига қарашли Қўйлик тахриба темир-бетон маҳсулотлари заводи магистрал йўли ва кўприк қурилишига юқори сифатли йиғма темир-бетон маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермоқда.

Таъкидлаш керакки, «Тошйўлқурилиш» трести бунёдкорлари бундай масъулиятли объектларда илгари ҳам иштирок этганлар. Хусусан, Қўйликдаги кўприк қурилишида, Сағбон, Фаробий, Қорасой, Фарғона йўли кўчалари, «Боғи Эрам» ва Бобур номи боғлар, Тошкент халқ йўли қурилишларини мисол келтириш мумкин.

Қурилишнинг юқори унумли техникалар билан таъминланиши ишни бирмунча енгиллаштираётганини ҳам эътироф этмоқ лозим. Германиянинг Фогел фирмаси асфальт ётқизиш механизмлари, йўл фрезалари-асфальт кесгичлар, Швецияда ишлаб чиқарилган зичлағич машиналар шулар жумласидандир.

Йўлсозу қурувчиларга, ишчи-хизматчиларга яратилган шароитлар, уларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам етарли аҳамият берилётганлиги, табиийки, унумдорликка хизмат қилмоқда. Объектнинг ўзида дам олиш жойлари ташкил этилиб, бунёдкорлар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Бугунги кунда механизматорларнинг иш ҳақи 30 минг сўмни, йўл қурувчилариники 20-25 минг сўмни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари йўлсозлар томонидан юқоридаги ишлар билан баб-баробар Собир Раҳимов метро бекати ва Тошкент вокзалида транспорт воситалари йўналишида қулайликлар яратиш ва улارнинг ҳаракатланишини тартибга солиш, йўловчи пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида метро бекатидан Тошкент автовокзалигача 180 метрлик ер ости пиёдалар йўли барпо этилмоқда. Шунингдек, Отчопар буюм бозорига чиқиш йўли олдидаги пиёдаларнинг ўтиш йўли қайта таъмирланиб, кенгайтирилмоқда.

«Тошйўлқурилиш» трестининг йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ашрафқон Тошхўжаевнинг таъкидлашича, бундай катта ҳаждаги маблагни талаб этувчи бунёдкорлик ишлари ҳам, унга хоррижий техника ва технологияларнинг жалб этилиши ҳам Мустақилликимиз шарофатидандир. Чунки авваллари бундай ҳаждаги кенг қўламли қурилишларни бажариш имконияти деярли йўқ эди.

Ҳа, Истиқлол байрами арафасида амалга оширилаётган жайри ва эзгу ишлар туфайли Она Тошкентнинг янада чиroy очмоқда. Барфрук тупроқ сайқал топмоқда.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.



БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Байрам дастурида ҳарбийлар чиқшининг бош саҳналаштирувчи режиссёри майор А.Мадабаевнинг айтишича, айни пайтда байрамга тайёргарлик ишлари авж-жида. Байрам дастурида илк бор мамлакатнинг турли хил қўшинлари хизматчилари иш-

Равшан БОБОМУХАМЕДОВ.

(Ўза).

ИШСИЗЛИК МУАММОСИ

Наманганда қандай ҳал этилмоқда

Наманган вилоятида ишсизлик муаммосини ҳал этиш учун вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазат этиш бошқармаси билан бир ёқадан бош чиқариб ҳамкорликда ишламоқда. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида бошқарманинг шаҳар ва туманлардаги бўлимларига 26328 нафар фуқаро иш сурба мурожаат қилган. Шундан 1887 нафари турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. 4797 нафари ишсиз деб эътироф этилиб, улардан 234 нафари турли касб ва хунарга ўқишга жалб қилинди. 1543 нафар кишига эса ишсизлик нафақаси белгиланди.

Вилоятда шу йилнинг 1 июлига қадар 1491 та бўш ўринлар мавжудлиги аниқланди. Шундан 1166 таси ишчи ўринларидир. Қасаба уюшмалари бошқарма билан ҳамкорликда ушбу бекор турган ўринларга ҳодимларни жойлаштириш чораларини кўрмоқда. Албатта, бу, ҳамирдан қил суғуришдек гап эмас. Бунинг учун баъзи ташкилотларда ҳодим махсус хунарга малакага эга бўлишига талаб этилади. Бинобарин, бекор қолган кишиларни ўқитиш, қайта тайёрлаш, махсус малакага эга бўлишига эришиш тадбирлари ишлаб чиқилган.

Шу билан бир қаторда, ҳамма жойда ҳам бу йўналишдаги ҳаракатлар бир текис борапти, деб бўлмайди. Айрим жойларда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун талабларини бажаришга, тўла рию этилаётгани, дейишга ҳали вақт эрта. Баъзи бир корхона ва ташкилотларда бўшаб қолган иш ўринларини яшириш ҳолатлари ҳам кўзга ташланмоқда. Қасаба уюшмалари меҳнат бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган текширишларда бу каби нохуш ҳолатларни аниқлаб, уларни барҳал этиш чораларини кўрмоқдалар.

Вақти-вақти билан ўтказилган текширишлар жараёнида маълум бўлган ишчи ўринлари меҳнат ярмаркалари ва бошқа воситалар орқали эълон қилинмоқда. Масалан, шу йилнинг 16 июн куни ана шундай тадбир усотасида Косонсой туманида 30 нафар ишчи ўзига иш ўрнини топди. Уйчи туманидаги меҳнат ярмаркасида 35 нафар фуқарога иш ўрни топилди, 65 ишчига эса касб-хунарга эгаллашлари учун йўлланма берилди. Бундай ярмарка-

лар вилоятнинг деярли барча туман ва шаҳарларида ташкил этилди.

Иқтисодий ислохотлар жадаллик билан амалга оширилаётганлиги, корхоналарда ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилаётганлиги, ишлаб чиқариш шаклининг ўзгараётганлиги, айрим ҳолларда баъзи ташкилот ва муассасалар маълум сабабларга кўра фаолиятини тўхтатаётганлиги муносабати билан ишдан бўшаётган ҳодимлар тақдир касаба уюшмаларининг диққат-эътиборида турибди. Бу борада уларга зарур кўрсатма ва тушунтиришлар берилган. Шу муносабат билан улар дарҳол жойлардаги қасаба уюшма кўмиталарига учрайдилар. Қасабақўм эса меҳнат бўлимлари билан алоқа боғлаб, бекор қолган ишчи ёки хизматчини қайта ишга жойлаштириш чораларини кўради. Мабодо, иш ўрни топилмаган тақдирда ана шу ишчи ёки хизматчисига ишсизлик маоми берилиб, иш топилгунча қадар ишсизлик нафақасини расмийлаштиришга кўмаклашмоқда. Бу вақт ичидан ана шу ишчи ёки хизматчи қасабақўм назорати остида туради. Ходим ишчи жойлаштирилганидан сўнггина қасабақўм муҳофазасидан чиқарилиб, янги иш жойидаги қарабқа уюшма ташкилоти назоратига ўтказилади.

Бу борада Наманган туманида амалга оширилаётган тадбирлар диққатга сазовордир. Туманда истиқомат қилувчи 161 мингдан ортиқ аҳолининг 78,5 минг нафари меҳнатга лаёқатли бўлиб, уларнинг 50 минг нафарга яқини расман иш билан таъминланган. Худудий келишув ва «Бандлик» дастурига асосан ўтган йилда 2546 та иш ўрни

яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 3016 та иш ўрни барпо этилди. Қувончлиси шундаки, улардан 2 мингдан ортиғи қишлоқ жойларига тўғри келади. Чунинчи, «Туркистон» жамоа хўжалигида ипакни қайта ишлаш цехи, Охунбобоев номи жамоа хўжалигида ҳам ана шундай кичик корхона, «Соҳибкор» жамоа хўжалигида томат тайёрлаш саноат шохобчаси, «Ғайрат» ширкат хўжалигида кулчилик цехи ташкил этилди. Савдо ташкилотлари, пахта толеси ишлаб чиқарувчи «Тола» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа қатор корхоналар қошидаги ёрдамчи цех ва кичик корхоналар жамоа шартномаларга мувофиқ бунёд қилинди.

Аҳолини иш билан банд этишда деҳқон ва фермер хўжаликлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. 1999 йилда ташкил этилган деҳқон хўжаликлари 1786 нафар кишини иш билан таъминлади. Аҳолига турли маиший хизматлар кўрсатувчи 797 та яқна тартибда меҳнат фаолиятига ихтисослашган иш ўринлари яратилди.

Умуман, туманда йил давомида меҳнат бўлимларига мурожаат қилган 4183 фуқаронинг 3450 нафари ишга жойлаштирилди, 90 киши қайта иқтисодий касбга ўқитилди. Амалдаги йилнинг биринчи ярмига мўлжаллаб тузилган «Бандлик» дастурида 900 кишини ишга жойлаштириш, 50 кишини қайта касбга ўқитиш кўзда тутилган. Айни пайтда 2 та хўжалиқда тракторчилик, «Наврўз» давлат кичик корхонасида тикувчилик хунарга мақтаблари фаолият кўрсатмоқда.

Поп тумани меҳнат бўлими ҳам қасаба уюшма кўмиталари билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш чораларини кўриб боради. Шунингдек, муддатидан илгари нафақага чиқариш масаласи ҳам қасаба уюшма кўми-

таси розилиги билан ҳал этилади.

Тўғри, ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, ишсизлик ва унинг оқибатларига тўғри кураш, одамларни иш ўринлари билан таъминлаш ҳамда бунинг учун етарли шарт-шароит яратишда қасаба уюшмалари ва меҳнат бошқармаси ҳамкорлиги бераётган самаралар билан бир вақтда ушбу йўналишда йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, фойдаланилмаётган имконият-




КИЧИК КОРХОНАНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Чинозлик новвойлар ҳамда чакана савдо ташкилотлари энди четдан ун ташиб, овора бўлишмайди. «Чиноздор» ҳиссадорлик жамияти қошида ишга туширилган мўъжаз донни қайта ишлаш корхонаси ҳозирда қонун аҳолисининг ун маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондиришмоқда. Айни пайтда бу ерда Швейцария технологияси асосида қунига 54 тонна тоза ун ишлаб чиқаришмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти бу йилги мавсумда туман хўжалиқларидан шартнома асосида 15,8 минг тонна ўрнига 18 минг тонна дон қабул қилиб олди. Айни пайтда маҳсулотни тозалаш, қуритиш ва қайта ишлаш жадал олиб борилмоқда. Янги ҳосилдан 250 тонна уруғлик тайёрлаш режалаштирилган.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.



КАМ ДАРОМАДЛИ ОИЛАЛАР ИЖТимоий ҲИМОЯДА

Туман ижтимоий таъминот бўлимида салкам 1,5 минг нафар пенсионер ҳисобда туради. Кам даромадли оилалар, пенсионерлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш доимий эътиборимизда. Бу мақсад учун шу йилнинг олти ойида 2355 минг сўмлик турли хил совғалар ва пул маблағлари сарфланди.

Бўлимимиз саъй-ҳаракати натижаси ўлароқ маънавий ва моддий ҳимояга мўхтоб, кишилар кўнглини олиш юзасидан қатор эзгу тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 69 нафар ёлғиз қарияга Республика Президенти Фармони асосида 1226,9 минг сўмлик озик-овқат маҳсулотлари бепул берилди. Ўтган йил «Наврўз» байрамида 767 фуқарога 650190 сўмлик, «Хотира ва Қадрлаш» кунинда 520 фуқарога 572776 сўмлик, мустақиллигимизнинг 8 йиллиги муносабати билан 420 фуқарога 716826 сўмлик, Халқаро ногиронлар кунинда 142 нафар ногиронга 139980 сўмлик, Халқаро қариялар кунинда 286 қарияга 345187 сўмлик ҳар хил турдаги моддий ёрдам ва пул мукофотлари берилди.

Бу ёрдамларнинг барчаси ҳомий ва оталиқ ташкилотлари ҳисобига амалга оширилди. Шу билан бирга «Хотира ва Қадрлаш кунин» муносабати билан 291 нафар уруш қатнашчиси ва ногирони пул мукофотлари олдилар. Шунингдек, вилоят ҳокимлигининг 19 нафар ногирон болага 133000 сўмлик, «Экосан» жамияти томонидан 500 болага 300000 сўмлик ҳар хил совға ва кийим-кечак, вилоят ижтимоий таъминот бошқармасидан 210 нафар пенсионер ва ногиронларга кийим-кечак ва пойфазал, «Қизил ярим ой» жамиятидан 530 нафар фуқарога 7526870 сўмлик озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Булардан ташқари, уларни соғломлаштириш масалалари билан ҳам жиддий шуғулланишга

ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, бўлимимиз томонидан 59 нафар пенсионер ва ногиронларга санаторийларга бепул йўлланмалар берилди. 4 нафар ногиронга ногиронлик аравачаси, 26 нафар ногирон 32841 сўмлик протез ортопедия буюмлари билан бепул таъминландилар. Бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги 520-сонли қарорини бажаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ушбу қарорнинг бажарилиши юзасидан муайян ишлар қилинди. Жумладан, шу йилнинг олти ойида 906480 сўмлик маблағ сарф этилди. Туман бўйича 123 нафар фуқаронинг ҳар бири текширув далолатномаси асосида ҳимоя олиниб, тиббий кўриқдан ўтказилди.

Ушбу тадбир учун 30200 минг сўмлик маблағ сарфланиши таъминланди. Бўлим ҳодимлари ўзларининг саъй-ҳаракатлари билан бинонинг тўлиқ таъмирдан чиқариб олдилар. Катта хоналар бирлаштирилди. Ишлаш учун қулай бўлиши ҳамда фуқароларни қабул қилиш учун 2-3 кишига мўлжалланган хоналар ташкил қилинди. Айни пайтда махсус дам олиш хонаси ҳодимлар ихтиёрида. Шунингдек, қабулга келган фуқароларнинг кутиб қолмаслиги учун бўлим биноси ёнида чойхона ташкил қилинди. Бу ерда ҳар қуни ҳодимларимиздан

бир киши навбатчилик қилади. Қариялар ва ногиронлар учун бепул чой ва иссиқ нон ташкил қилинган.

Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг беш тамойилидан бири бўлган кучли ижтимоий ҳимоялашни амалийлигини таъминлаш мақсадида туман ҳокимининг махсус қарори билан «Қариялар уйи» фаолият кўрсата бошлади ва унинг қошида кам даромадли оилалар, ногиронлар ва пенсионерларга ижтимоий ёрдам бериш учун Шовот пахта банкида махсус ҳисоб рақами очилди. Бу ерда яшовчиларнинг барчаси махсус қарор билан коммунал хизматлардан озод қилинган. Уларга бўлим томонидан ходим бирктирилиб, барча хўжалик юмушлари зиммасига юклатилган. Ҳар бир байрам ва туманда ўтказиладиган тадбирда қарияларга концерт қўйиб берилиб, совғасаломлар уюштирилади. Ҳозирги пайтда бу масканда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги 520 қарори асосида қарияларнинг кундузги дам олиш уйи ташкил қилинган.

Туманда ҳар хил хайрия тадбирлари ва тўй ҳашамлари- уюштириш аънаънага айлиб бормоқда. Бўлимимиз ташаббуси билан яқинда тумандаги 45 нафар юз ёшдан ошган табаррук қарияларимизга юбилей тўйи қилиб берилди. Бу тадбир учун ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 313 минг сўм сарфланди. Ушбу тадбирда республика Ижтимоий таъминот вазири раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Қадам ОТАЖОНОВ, Шовот тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи.

Ибрат

Куйимозор — Қизилтепа туманининг Бухоро вилояти билан чегарадош сўлим гўша. Қишлоқ ҳам, хўжалик ҳам шу ном билан юритилади. Бу ерда азал-азалдан меҳнаткаш, миришкор одамлар яшаб меҳнат қилгани учун ҳаммаёқ кўм-кўк бог-роғ билан бурканган.

ШИЙПОН-ДЕҲҚОН ОРОМГОҲИ

Куйимозорликлар жорий йилда пилла, галла ишлаб чиқариш режаларини биринчилардан бўлиб ўқиб қўйишди. Узумчиликдаку, қўвверинг, бобгонларнинг ошиги олчи бўлиши ҳозирданок кўриниб қолди. Токзорларда чунонам шигил ва мўл ҳосил этишиб бердики...

Агрофирма қасаба уюшма кўмитасининг асосий вазифаси ишловчиларнинг яшаш ва ишлаш шароитларини яхшилаш, уларни иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялаш ҳамда белгиланган ислохотлар ижросига дадил йўналтиришдан иборат. Шунингдек, қасаба уюшма кўмитаси, икки йилдан бери хўжалиқда ишлаб чиқариш режаларининг зулуксиз бажарилиши, хўжалиққа қарашли вино заводидида маҳсулот сотиш кўпайганлиги сабабли ишловчилар манфаатдорлиги ҳам ортди. Уларга ойлик иш ҳақи ҳамда мукофот пуллари тўлаш мунтазам йўлга қўйилди. Деҳқоннинг иккинчи уйи — дала шийпонлари тўла таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Ноқулай меҳнат шароитида ишловчи тоқар, слесар ва бошқа техник созловчиларга махсус коржомалар берилди.

Дам олиш масканларига бериладиган имтиёзли йўлланмалардан меҳнат фахрийлари ҳам фойдаланадиган бўлишди. Бошига мусибат тушган хонадонга 10000 сўмдан пул ажратилиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ёрдам кўрсатишга жамоа шартномасида белгиланган бўлибди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида уруш қатнашчилари ва ногиронларга кўрсатилган бегараз ёрдам 106 минг сўмни ташкил этди. Агрофирмада оналик ва болалани, меҳнаткашларнинг фарзандлари соғлигини муҳофазат қилиш, дам олишини ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ўтган йили 50 нафар кам қонли, ёрдамга мўхтоб оилаларнинг болалари соғломлаштириш масканларида даволанган бўлса, бу йил ҳам шунча бола оқоридигидек имтиёزلардан фойдаланади.

Исमत НЕЪМАТОВ, Куйимозор агрофирмаси қасаба уюшма кўмитаси раиси.

2000 йил - «Соғлом авлод йили» БЕПУЛ ДАМ ОЛАДИЛАР

Қасаба уюшмалари Жиззах вилояти кенгаши меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштиришга катта эътибор қаратмоқда.

Ҳозир кенгаш тасарруфидидаги 14 та болалар оромгоҳлари дам олувчиларни ўз кучоғига олган. Болалар бу ерда миришкор дам олиб, ўз саломатликларини яхшиламоқдалар.

Маълумки, ота-оналар болалар оромгоҳларига бериладиган йўлланмалар кўмитасининг бор-йўғи 10 фоизини тўлайдилар. Қасаба уюшмалари вилоят кенгаши яна бир хайрли ишга кўл урди.

Жиззахдаги кам таъминланган ночор, кўп болали оилаларнинг 150 нафар фарзандларини Фориш туманида жойлашган, вилоят газлаштириш бошқармасига қарашли «Зангори олов» болалар оромгоҳига бепул юборишга қарор қилинди. Ушбу оромгоҳ тизим тасарруфидидаги энг яхши оромгоҳлардан ҳисобланиб, дам олувчилари учун барча шарт-шароитлар мўҳайё этилган.

Оромгоҳга юбориладиган болалар Жиззах шаҳри маҳаллалари оқсоқолларининг таклифи асосида танланди.

Шавкат ЁҚУБОВ.

Жинойят ва жазо

НАФС БАЛОСИ

Яхши яшаш учун яхши даромад керак. Ҳўш, уни қандай топса бўлади? Исомиддин ўзича талқин қилди. Негаки, у «меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деган нақлни унутиб қўйганди. Исомиддин Ғойипов «Соғлом авлод» хайрия жамғармасининг вилоят бўлимида Тойлоқ туман таянч шохобчаси директори лавозимда ишлаб, мансаб имкониятлари кенглигидан хушини йўқотди. Хайрия мақсадларида маблағ масаласида кимгаки оғиз очса, рад этишмайди. Бу ёқда давлат ҳам солиқ каби масалаларда имтиёз бериб қўйибди. Назоратчилар ҳам «жа» деганда тинчини бузаверишмайди.

Инсон борки, фаровонлик йўлида фикрлашдан тўхтамайди. Лекин фикр деганига гараз аралашмасин экан. Хуллас, Исомиддиннинг ҳам нияти бузилди. Жамғарма орқали шунча маблағ айланса-ю, чўнтакка ҳемири тўшмас, алам қиларкан кишига. Беш йил олдинми, куз охирида шайтан пайтда Исомиддин жамғарма таянч шохобчасининг таъминотчиси Баҳодир Иброҳимовни хузурига қақирди.

«Мана, шартнома. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси туман бўлими билан уларга ўсимлик мойи етказиб бериш тўғрисида» деди Исомиддин. Шериклар вексел беришди, қолганини тўғрилайсан.

— Қандай қилиб, — сўради Баҳодир мақсадни тўлиқ англамай.

— Пулни пул топади. — Ишни пул қилсанг, ҳеч ким билмайди.

Таъминотчи ҳам бу гапни ўзича тушунди. Иш гўё ҳамирдан қил суғургандек борарди. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси Тойлоқ туман бўлими, Самарқанд шаҳар капитал қурилиш бошқармаси, «Мусаффор» АЖ билан тузилган шартномаларга асосан жами 450000 минг сўмлик векселларни ўзлаштириб юборишди.

Нафси ҳақалак отган Исомиддин бу билан чекланмади. У жамғарма таянч шохобчаси бош

ҳисобчиси Файзулло Ражабов билан тил бириктириб, текин даромад топишининг янги манбаини очди. Ҳамтовоклар биргаликда хизмат сафарига мўлжалланган 57000 сўм пулни жигилдонларига уришди. Бу ҳам етмагандай таянч шохобчасининг ишчилари М.Хурсанов, Г.Шомирзаева, С.Бобоевларнинг маошларини сохта имзо орқали ўзлари олишди. Бундан ташқари И.Ғойиповнинг укаси А.Юнусов, яна бир укаси М.Юнусов, ўғли М.Ғойипов ва бошқалар номига иш ҳақи ёзиб, 198518 сўмни гўмдон қилишди. Туяни ютса думини ҳам кўрсатмайди, деганлари шумикан?

Ундан тўққизини уриб, қолган биридан ҳам умидвор бўлиш Исомиддиннинг қонига сингиб кетган, шекилли. У таянч шохобча иш юритувчиси (прораба) Шавкат Назаровни ҳам қармоғига айлантирди. Ким ҳам кўпроқ фойда кўришни истамайди, дейсиз. Дастлаб ишламаган одам-

ЯНГИ ҒИШТ ЗАВОДИ

Қоровулбозор туманида соатига уч минг дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод ишга тушди.

Ҳозир бу ерда 22 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, яқин кунларда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига ишчилар сони 55 тага етказилади. Корхонадаги линияларни сотиб олишга 10 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Лекин мутахассисларнинг фикрича, бу халқаро бир йилга қолмай қопланади.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

РУСТАМ ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

